

Тошкент шаҳри

2022 йил «17» январь

Бир тарафдан кейинги ўринларда “Ижрочи” деб номланувчи МСНЖ “СНІНОВOD PLAZA SANATORIYSI”, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор Мусаева Дильноза Мирзахидовна шахсида, иккинчи тарафдан кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб номланувчи Амударё туман ҳокимлиги, Ҳайитов асосида ҳаракат қилувчи Ҳамидовов Маъмурнон шахсида, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Буюртмачи” ўз зиммасига, ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлмиш ўзининг аризасида кўрсатилган, кейинги матнда “Мижоз” деб номланувчи юридик шахсга “хизматлар” деб номланувчи соғломлаштириш ва диагностика хизматлари кўрсатишни топшириш, “Ижрочи” эса ўз зиммасига ушбу хизматларни “Мижоз”га кўрсатиш мажбуриятини олади. Аризада бир нечта шахс кўрсатилиши мумкин.

1.2. Хизматлар кўрсатиш жойи – МСНЖ “СНІНОВOD PLAZA SANATORIYSI” .

1.3. Хизматлар йўлланмалар билан расмийлаш тирилади, “Буюртмачи” “Ижрочи” томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳақини ушбу шартномада белгиланган шартлар асосида тўлаш мажбуриятини олади.

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Миқдори
1	12 кунлик курс Йўлланмаси	дона	1	9 800 000	9 800 000

Йўлланма нархи: 9 800 000 сум (Туккиз миллион саккиз юз минг сум) ни ташкил қилади.

1.5. Йўлланма бўйича жойлашиш муддати 2022 йил “3” январдан 2022 йил “15” январгача. Умумий кунлар сони 12 (ун икки). Санаторияга жойлашиш ва чиқиб кетиш вақти соат 12 гача.

1.6. Қўшимча тиббий ва бошқа сервис хизматлар йўлланма нархига қирмайди, уларнинг ҳақи “Буюртмачи” ёки “Мижоз” томонидан “Ижрочи” ёки хизматлар кўрсатиш жойининг маъмурияти томонидан белгиланган нарх ва тартибда тўланади.

2. ИЖРОЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“Ижрочи” қўйидаги мажбуриятларга эга:

- 2.1. Йўлланма(лар) ҳақи “Буюртмачи” томонидан тўланганидан сўнг унга ёки “Мижоз”га йўлланма бланкини бериш;
- 2.2. “Буюртмачи”га соғломлаштириш хизматларининг турини тўғри танлаш имкониятини таъминловчи керакли ва ҳаққоний маълумотлар бериш;
- 2.3. “Буюртмачи”ни йўлланма фақат унда кўрсатилган “Мижоз”(лар) учун ва фақат унда кўрсатилган муддатларда ҳақиқий эканлиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.4. “Буюртмачи”ни йўлланмалар кунлар йиғиндиси ва келганлар сонига қараб қайта ҳисобланмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.5. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) хизматлар кўрсатиш жойидаги яшаш меъёр ва қоидаларини қўпол равишда бузишлари ҳолларида, у(лар)нинг яшаши муддатидан аввал бекор қилиниши тўғрисида хабардор қилиш. Бунда йўлланманинг қолдиқ қиймати қайтарилмайди;
- 2.6. “Буюртмачи”ни ва “Мижоз”(лар)ни, агар “Мижоз”(лар) “Ижрочи” айбисиз белгиланган муддатдан кечикиб келсалар (муддатидан аввал кетсалар), йўлланма нархи қайта ҳисобланмаслиги ва қолдиқ қиймати (қолган кунлар учун қиймати) қайтарилмаслиги тўғрисида хабардор қилиш;
- 2.7. Санаторияга 4 (тўрт) ёшга тўлмаган болалар қабул қилинмайди.

3. БУЮРТМАЧИ ВА МИЖОЗЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 3.1. “Мижоз”нинг мажбуриятлари:
 - 3.1.1. Бир йўлланма билан фақат йўлланмада исми-шарифи кўрсатилган шахсни мазкур шартноманинг 1.5.бандида белгиланган муддатда санаторияга етиб келиши.
 - 3.1.2. “Мижоз”лар йўлланма бўйича хизматларни олишлари учун ёнларида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:
 - йўлланма, паспорт ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжат, ҳамда санатор-курорт даво олиши учун унинг саломатлиги тўғрисидаги тиббий ҳужжат - санатор-курортлар картаси (СКК).
 - 3.1.3. Жойидаги интизомни тартибга солувчи меъёрларга риоя қилиш.
 - 3.1.4. “Мижоз” зарар етказилган ёки йўқотилган санатория мулки ҳақини тўлиқ қоплаб бериш.
- 3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:
 - 3.2.1. Ушбу шартномага мувофиқ “Ижрочи” хизматлари ҳақини тўлаш;

3.2.2. Келиш кунидан камида 15 календарь куни аввал хизматларни брон қилиш. “Буюртмачи” аввалдан хабар бермаган ҳолда ва (ёки) “Ижрочи” хизматлари ҳақини тўламаган ҳолда келса, “Ижрочи” унинг жойлашишига кафолат бермайди.

4. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1. “Буюртмачи” пул маблағларини “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказиш ёки “Ижрочи” кассасига киритиш йўли билан хизматлар ҳақини тўлайди. Тўлов киритилган сана бўлиб пул маблағларининг “Ижрочи” ҳисоб рақамига келиб тушиши ёки “Ижрочи” кассасига қабул қилиниши санаси ҳисобланади. 100% олдидан тўлов амалга оширилади. Йўлланмалар буюртмачи ишончномасида кўрсатилган шахсга ишончнома орқали берилади.

4.2. “Буюртмачи” томонидан тўлов “Ижрочи” томонидан ёзиб берилган ҳужжат асосида амалга оширилади.

4.3. Кўрсатиладиган хизматлар нархи ўзгарган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, “Буюртмачи” томонидан йўлланмага олдидан утказилган пул маблағи учун қўшимча тўлов қайта ҳисоб-китоб қилинади.

5. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, ҳар бир тўлов ўтказилмаган кун учун 0,4%гача миқдорда пеня тўловларини тўлайди, лекин бу пеня тўлов суммаси асосий тўлов суммасининг 50%дан ошмаслиги керак.

5.2. Агар “Буюртмачи” ушбу шартнома бўйича хизматларни рад этса, “Ижрочи”, қолган муддатга боғлиқ равишда, 50% гача неустойка тўланишини талаб қилишга ҳақли.

5.3. Бошқа ҳолларда тарафлар жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор ҳолатлар содир бўлса, тарафлар 5 кун ичида, шартнома шартларини аниқлаштириш мақсадида музокаралар олиб бориш учун, бу ҳақда бир-бирларини хабардор этишга мажбурлар.

7. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланиши, “Ижрочи” “Буюртмачи”ни хизматлар кўрсатилишининг барча шартлари тўғрисида хабардор этганлиги, “Буюртмачи” эса уларни қабул қилганлиги тўғрисида далолат беради.

Тарафлар шартнома нусхалари билан почта, электорон почта ёки факсимиль алоқа орқали алмашишлари мумкин.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШИ МУДДАТИ

8.1. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган санадан кучга киради ва 2022 йил «31» декабр гача амалда бўлади. Ушбу шартноманинг амалда бўлиши муддати давомида “Буюртмачи” хизматлар кўрсатилиши учун исталган миқдорда ариза бериши мумкин.

8.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан сақланади.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

9.1. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш имконияти бўлмаганда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ҳал этилади.

ТАРАФЛАР МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

МШҲ

“CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI”

БУЮРТМАЧИ

100039, Тошкент шҳри, Юнусобод тумани,

Чинобод кўчаси 88а-уй

ХАТБ «ДАВР-БАНК» Юнусобод ф-л

х/р: 2020 8000 9052 7456 2001

СТИР: 307 699 779 БММ: 01122

Тел.: (+998 55) 503 26 36

Директор

Мусаева



Амударё туман ҳокимлиги

Мангити ш. Гурлан кўчаси 65-уй

1002285035204701599018001

Молча Бақуралига Ҳазначилиги

1002285035204701599018001

1002285035204701599018001

1002285035204701599018001



Рахмонова М.

Мусаева



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"CHINOBOD PLAZA SANATORIYSI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.09.2020

888570

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307699779

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan Joyi:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, CHINOBOD KO'CHASI,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Yunusobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАЙСИ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСИ
МИНИСТРЛАР КЕҢЕСИНИҢ БАСЛЫҒЫ

Н.Ерлеспесовга
Б.Хабибуллаевга
Е.Аташовга
Д.Кайповга
М.Жумановга
С.Турмановга
Р.Зарикеевга
Р.Сапарбаевга
П.Дабыловга
Н.Ешановга
А.Ажимуратовга
А.Исмаиловга
Р.Рисназаровга

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов)га

Молия вазирлиги (М.Содиқов)га

ҚР Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши
(У.Жалменов)га

“Нукус халқаро аэропорти” (О.Бекбергенов)га

Қўнғирот минтақавий темир йўл узели (Б.Қудайназаров)га

Сектор раҳбарлари:

ИИБ (А.Темирханов)га

Давлат солиқ бошқармаси (Х.Бекчанов)га

Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига

ЎзР Президенти Администрациясининг 2021 йил
25 декабрдаги №02-3732 топшириғи ижро учун қабул қилинсин.

Бажарувчи: Қ.Қазақбаев
Р.Рисназаров, И.Сдиқов

№ 1/746


К.САРИЕВ

27.12.2021й.

NAZORAT

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
RAHBARI

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси
(Б.Ж.Исламов, Л.Н.Тўйчиев, К.К.Куранбаевга)
Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошевга)
Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожоновга)
Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиевга)
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаевга)
Маданият вазирлиги (О.А.Назарбековга)
Касаба уюшмалари Федерацияси (Қ.М.Рафиковга)
✍ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига
Президент Администрацияси ҳузуридаги
Тиббиёт бош бошқармаси (А.А.Худаяровга)


Давлат Раҳбари томонидан барча маҳаллий ҳокимлик ҳамда
сектор раҳбарларининг меҳнат таътилига чиқиши ва даволанишини
2 босқичда ўтказиш маъқулланди.

Биринчи босқичда – 2022 йилнинг 1 - 15 январь кунлари:

- республиканинг туман ва шаҳар ҳокимлари 1-иловага мувофиқ
Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сон ва 2-сон шифохоналари, “Қибрай”,
Россиядаги Ўзбекистон ва Ялта санаторияларида ҳамда Касаба
уюшмалари Федерациясининг “Чинобод Плаза”, “Турон” ва “Оқтош”
санаторияларида;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар
Прокуратураси, Ички ишлар бошқармаси ва Давлат солиқ бошқармаси
(2, 3 ва 4-сектор) раҳбарлари 2-иловага мувофиқ Ички ишлар
вазирлиги Марказий Госпитали ва Давлат солиқ қўмитасининг “Хумсон”
санаториясида;

- республиканинг туман ва шаҳар сектор раҳбарлари (прокурор,
ИИБ ва ДСИ бошлиқлари) 3-иловага мувофиқ Касаба уюшмасининг
худудлардаги санаторияларида ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт
марказларида;



Иккинчи босқичда – 2022 йил 17 - 30 январь кунлари:

- вилоят ҳокими ўринбосарлари (ёрдамчилари ва маслаҳатчилари), Ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбарлари 4-иловага мувофиқ Тиббиёт бош бошқармасининг 1-сон ва 2-сон шифохоналари, “Қибрай” ва Россиядаги Ўзбекистон санаторияларида ҳамда Касаба уюшмалари Федерациясининг “Чинобод Плаза”, “Турон” ва “Оқтош” санаторияларида;

- республиканинг туман ва шаҳар ҳокими ўринбосарлари 5-иловага мувофиқ Касаба уюшмасининг ҳудудлардаги санаторияларида ҳамда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида даволаниши таъминланади.

Маҳаллий ҳокимлик ҳамда сектор раҳбарларининг даволанишини юқори савияда ташкил қилиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан **топшириқлар берилди:**

1) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) барча маҳаллий ҳокимлик ҳамда сектор раҳбарларининг даволаниши билан боғлиқ ташкилий масалаларга **масъул этиб белгилансин.**

2) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси ва Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Бош прокуратура (Н.Йўлдошев), Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев):

- маҳаллий ҳокимлик ва сектор раҳбарларининг ўрнатилган тартибда даволаниши, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилиш, даволаниш вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик ва овқатланиш тартибига қатъий риоя этишлари тўғрисида **огоҳлантирилсин.**

- биринчи раҳбарларнинг даволаниш даврида маҳаллий ҳокимликлар ва барча давлат органлари зиммасига юклатилган вазифаларининг уларнинг ўринбосарлари бажариши таъминлансин.

3) Маданият вазирлиги (О.Назарбековга) ушбу раҳбарлар даволанаётган санаторий ва тиббиёт муассасаларида таниқли санъаткорлар иштирокида маданий тадбирларни ташкил этсин.

4) “Uzbekistan airways” АЖ (Р.Джураева), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (Х.Ҳасилов) маҳаллий ҳокимлик ва сектор раҳбарларини ўз вақтида етиб бориши ҳамда яшаш манзилларига қайтишлари учун уларни йўл чипталари билан белгиланган тартибда таъминласинлар.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) ва Президент Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси (А.Худаяров) 2022 йилнинг 17 январига ва 1 февралига раҳбарларнинг даволаниши якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

К.Куранбаев ва Л.Тўйчиевга – назорат учун.


Низомиддинов

2021 йил 25 декабрь
№ 02-3732